

FEVRAL 18

2025



Toshkent tibbiyot  
akademiyasi



O'zbekiston Respublikasi  
Sog'liqni saqlash vazirligi

*Professor E.G'.G'oziyev izdoshlari*  
*Followers of Professor E.G.Goziev*

Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi  
Republican Scientific and Practical Conference

Google Scholar indexed

CYBERLENINKA

Google  
scholar

Toshkent tibbiyot akademiyasi

[www.tma.uz](http://www.tma.uz)

O'zbekiston Respublikasi  
Sog'liqni saqlash vazirligi

[www.ssv.uz](http://www.ssv.uz)

**Tashkil etuvchi mas'ullar:**

R.N.Melibayeva – psixologiya fanlari doktori, professor;

Y.K.Narmetova – psixologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori, dotsent;

N.A.Askarova – psixologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori;

X.B.Nurbayeva – psixologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori.

## ЎТКИР ЛЕЙКОЗ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БОЛАЛАРНИНГ ПСИХОЛОГИК ҲОЛАТИНИ ЎРГАНИШ

**Ж. Л. Убайдуллаев**

5-курс 2-даволаш иши факультети 509 С гуруҳ талабаси

**О. С. Эргашев**

5-курс 2-даволаш иши факультети 509 С гуруҳ талабаси

Илмий раҳбар: ТТА Гематология, трансфузиология ва лаборатория иши

кафедраси **асс. Л.Д Саматова**

Тошкент тиббиёт академияси

**Мавзунинг долзарблиги.** Лейкозлар гемопоэтик хужайралардан ривожланувчи ўсмалар ҳисобланади. Биз ўсмани битта матацияга учраган хужайрадан юзага келувчи ёмон бошқариладиган ортикча тўқима деб атаймиз. Ўткир лейкознинг клиник кўринишлари специфик эмаслигини ҳисобга олган ҳолда касалликнинг ташхиси лаборатория ва инструментал текширувлар ёрдамида босқичма-босқич амалга оширилади [9]. Бу жараён эса бемор бола ҳаётининг барча жабҳаларига таъсир қилади, шунингдек психик ҳолатига ҳам, шу жумладан ҳиссий, когнитив, шахсий ва хулқ-атворида жиддий ўзгаришларни келтириб чиқаради. Бу ҳаёт сифатининг пасайишига ва ижтимоий мослашувдаги қийинчиликларга олиб келади.

Замонавий тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, онкологик касалликлар билан оғриган болаларнинг руҳий ҳолати, барча босқичларда, шу жумладан ташхис босқичида, яққол астения (тез жисмоний ва ақлий чарчоқ), ташвиш, депрессия, ҳиссий беқарорлик кўркувнинг кўплиги ва тажовузкорлик намоён бўлиши билан тавсифланади [2,3,4,7,11]. Ташхис жараёни, суяк кўмиги пункцияси каби инвазив муолажалар, кимётерапиянинг ножўя таъсири, даволашнинг қимматлилиги, трансплантация учун донор топиш муаммоси ва шифохонада узоқ муддатли даволаниш беморларнинг руҳий ҳолатига салбий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, беморларнинг ташқи дунёдан узилиши ва ремиссиягача бўлган узоқ давр уларни доимий стресс ва психологик зўриқишларига сабаб бўлади. Даволаш босқичида ва ремиссия босқичида ташвишга кўшимча равишда депрессия, янгиликдан кўрқиш ва травмадан кейинги стресс ҳолати пайдо бўлади [11]. Онкологик касалликлар билан оғриган болаларда хотира бузилиши, диққатни жамлаш қобилияти, маълумотни интеллектуал қайта ишлашда қийинчиликлар ва ўрганиш қобилиятининг пасайиши кузатилади [4,7,8,11]. Нейрокогнитив етишмовчиликнинг бу

аломатлари кимётерапия ёки радиация терапияси пайтида даволаш босқичида кучаяди. Бу омиллар беморларнинг психологик ҳолатини ўрганиш зарурлигини кўрсатади. Мақолада психологик реабилитация усуллари ҳақида умумий маълумот берилган. Қуйидаги усуллар тавсифланади: спорт, бадий фаолият, чет тилларини ўрганиш, кулги терапияси ва бошқалар.

**Тадқиқот мақсади.** Ўткир лейкоз билан касалланган бемор болаларнинг психологик ҳолатини ўрганиш ва уларнинг руҳий саломатлигини яхшилашга доир тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Материаллар ва усуллар.** Тадқиқотда 50 нафар ўткир лейкоз билан касалланган бемор болалар танлаб олинди. Уларнинг психологик хусусиятлари (эмоционал, когнитив, хулқ-атвор, фикрнинг тўлиқлиги ва мотивацион сфера), умумий руҳий ҳолати, қандай касалликка чалинганлиги ҳақида тушунчани қабул қилиши ва унга қарши курашиш хусусиятлари ва уларнинг ижтимоий мослашуви сўровнома ёрдамида ўрганиб чиқилди. Тадқиқот жараёнида беморларнинг психологик ҳолатига таъсир этувчи омиллар аниқланди. Бемор болаларнинг руҳий саломатлигини яхшилаш учун бу борадаги мақолалар ўрганилиб психотерапия ва комплекс реабилитация усуллари ҳақида маълумот берилди.

**Натижалар.** Тадқиқот натижалари бемор болаларнинг аксарияти жиддий психологик стрессга дучор бўлишганини кўрсатди. Уларнинг 17 нафарида (37/50) (34%) эмоционал ҳолат, 11 нафарида (11/50) (22%) ижтимоий изоляция ва ташқи дунёдан узилиш ҳисобига хулқ-атвор ўзгаришлари, 22 нафарида (22/50) (44%) кимётерапиянинг ноҳўя таъсирлари туфайли руҳий тушкунликка тушиш ҳолатлари аниқланди (1-расм). Бундай психологик ҳолат даволаш жараёнини янада қийинлаштиради. Ўзбекистон аҳолисида ўткир лейкоз билан оғриган болаларда шахс неврози даражаси юқори. Бу касалликнинг мураккаб ва динамик тузилишли ички суръатини шакллантиради [10].



**1-расм. Ўткир лейкоз билан оғриган болаларда психологик ўзгаришлар (50 та ҳолат), %**

**Муҳокама.** Ўткир лейкоз билан касалланган бемор болаларнинг психологик ҳолатини ўрганиш шуни кўрсатадики, бу беморлар нафақат жисмоний, балки руҳий жиҳатдан ҳам катта босимга дучор бўлишади. Касалликнинг узок давом этиши, даволашнинг оғир жараёнлари ва ижтимоий изоляция беморларнинг руҳий саломатлигини сезиларли даражада пасайтиради. Натижаларга асосланиб, беморларнинг психологик ҳолатини яхшилаш учун профессионал психологик ёрдам, қўллаб-қувватлаш гуруҳлари ва оилавий ишонч каби чора-тадбирларни жорий этиш тавсия этилади. Бундан ташқари, даволаш жараёнида беморларнинг руҳий ҳолатини доимий мониторинг қилиш ва уларни психологик қўллаб – қувватлаш муҳимдир. Қуйидаги психологик чора-тадбирлар қўлланилди:

**1. Арт терапия.** Тадқиқот давомида бемор болаларга арт терапанинг таъсири кузатилди ва ижобий натижаларга эришилди. Арт терапия болаларнинг негатив эмоционал ҳолатларини камайтиради, шахснинг шаклланишидаги турли оғишлар ва бузилишларни юмшатади. Бу даволаш усули кўп вақт талаб қилмайди, шунинг учун уни шошилиш психологик ёрдам кўрсатишда ҳам қўллаш мумкин. С.А.Агафонова ўз илмий ишида касалхонада узок муддатли даволанаётган, вояга етмаганлар билан расм чизиш дарсларини ўтказиш тажрибасини тасвирлаб берди [1]. Муаллиф ҳатто ўта ишончсиз болалар учун ҳам мос бўлган рельеф трафаретлари ёрдамида чизиш усулини таклиф қилади. Олинган тасвирни косметик пахтали таёқчалар ёрдамида нуқта билан бўйаш

ташвиш ва негатив хотираларни бартараф этишда жуда яхши. Дарсда оиланинг бошқа аъзолари, масалан, оналар ва бувилар ҳам иштирок этишлари мумкин.

**2. Музейларга саёҳат.** Ётоқ режимида бўлмаган болалар билан музейларга саёҳат қилиш бемор болалардаги салбий энергияни камайтиради, турли ижодкорлик намуналарини кўриш болаларга уларнинг имкониятлари чексиз эканлигини тушунишига ёрдам беради.

Психологик реабилитация жараёнида янги билимлар, ҳис-туйғулар ва таассуротларнинг битмас-туганмас манбаи ҳисобланадиган музейлар боланинг ҳаёт ва жамият ҳақидаги ижобий тасаввурини тиклашга, касаллик туфайли юзага келадиган стресс даражасини пасайтиришга имкон беради [5].

**3. Чет тилларини ўрганиш.** Ёдлаш ва диққатни жамлашда қийинчиликларга дуч келган беморларни реабилитация қилиш усуллари билан бири чет тилларини ўрганишдир. В.Л. Пак лингвистик функциялар билан когнитив ориентация, фазовий, визуал идрок ва тафаккур ўртасида яқин боғлиқлик борлигини таъкидлайди [6]. Муаллифнинг хабар беришича, бошқа тилни ўрганиш мулоқот учун жуда фойдали ва кўплаб когнитив қобилиятларга ижобий таъсир кўрсатади. Шунингдек, у хиссий фаровонликни, ўз-ўзини ҳурмат қилиш ва шу билан ҳаёт сифатини яхшиланишига таъсир қилади.

**Хулоса:** Ўткир лейкоз билан касалланган беморларнинг психологик ҳолатини ўрганиш шуни кўрсатадики, бу беморлар жисмоний ва руҳий жиҳатдан катта синовларни бошдан кечирадилар. Касалликнинг узоқ давом этиши, даволашнинг оғир жараёнлари ва ижтимоий изоляция беморларнинг руҳий саломатлигига салбий таъсир кўрсатар экан. Шунинг учун, беморларнинг руҳий ҳолатини яхшилаш ва уларни психологик қўллаб-қувватлаш муҳимдир. Бу борада профессионал психологик ёрдам, қўллаб-қувватлаш гуруҳлари ва оилавий ишонч каби чора-тадбирларни жорий этиш самарали ҳисобланади.

## REFERENCES

1. Агафонова С.А. Психологическая реабилитация детей-инвалидов с онкологическими заболеваниями средствами художественной деятельности. Педагогический опыт: теория, методика, практика 2015; 3 (4): 189–92.
2. Аноприенко Е.В., Ковальская Т.Л., Меркотан А.И. Психологическая поддержка детей с онкогематологической патологией методом сенсорной интеграции «сенсорная комната». Сборник тезисов VI Всероссийского съезда онкопсихологов. М.: Издательский центр АНО «Проект СО-действие»; 2014. С. 7–9.

3. Бяй Е.Г. Применение интегративного подхода в рамках психологической поддержки детей и их родителей, находящихся на лечении в онкологическом стационаре. Сборник тезисов V Всероссийского съезда онкопсихологов. М.: Издательский центр АНО «Проект СО-действие»; 2013. С. 11–6.
4. Детская онкология. Руководство для врачей. СПб.: СпецЛит; 2002.
5. Каймакина А.А. Проблемы взаимодействия музеев с детьми, имеющими онкологические заболевания. Труды молодых ученых Алтайского государственного университета 2015; 1 (12):21–4.
6. Пак В.Л. Как влияет изучение иностранных языков на процесс восстановления пациентов с ЧМТ? Авиценна 2019; (33): 14–6.
7. Мирошкин Р.Б., Фисун Е.В., Бобровская А.В., Карапетян Л.А., Стригина М.И., Анимисова В.Н. Исследование психологического статуса у детей с разными онкологическими диагнозами на втором этапе реабилитации. Российский журнал детской онкологии и гематологии 2017; (спецвыпуск): 78–9.
8. Ткаченко И.В. Нейропсихологическая характеристика детей с онкологическими заболеваниями в периоде клинко-гематологической ремиссии. Здоровоохранение Дальнего Востока 2009; 2 (40): 16–8.
9. Убайдуллаев Д.Л., Саматова Л.Д. Гематологические осложнения цитостатиков при острых лейкозах.// Ташкентская медицинская академия «медицинский журнал молодых ученых»; № 7 (09), 2023. С. 52–56.
10. Abdumukhtarova M.Z. Arziqulov A.Sh.. Emotional-behavioral reactions and psychosomatic experiences of patients with leukemia as an internal picture of disease in uzbek population children// International Journal of Scientific Pediatrics published: 24 june 2022 P: 5-15
11. Wedekind M.F. The psychological effects of experiencing pediatric oncology. Knoxville: University of Tennessee; 2006.

45. <i>Sh.S.Isaqova</i> . BOLALARDA TOURETTE SINDROMINING KECHISHI, DAVOLASH PRINSIPLARI	200-205
46. <i>N.Islomboyev</i> . BIPOLYAR BUZILISHNING GENETIK ASOSLARI, NEYROBIOLOGIK MEXANIZMLARI VA KOGNITIV-XULQIY TERAPIYANING O'RNI	206-212
47. <i>Z. Y. Jo'rayeva, &amp; U. B.Mirzayeva</i> . AUTIZM KASALLIGIDA PSIXODIAGNOSTIKA VA PSIXOKORREKSIYANING O'RNI VA AHAMIYATI	213-216
48. <i>Kalash Dwivedi, &amp; Vinayak Koli, &amp; A.S. Dursunov</i> . PREVALENCE AND IMPACT OF ANXIETY ON SLEEP AND ACADEMIC PERFORMANCE AMONG TMA INTERNATIONAL STUDENTS	217-220
49. <i>N. A. Kozimova, &amp; S. E. Tolibova</i> . BIRINCHI BOSQICH TALABALARINING OLIY TA'LIMGGA MOSLASHUVIDA YUZ BERUVCHI HISSIY ZO'RRIQLASHLARNING PSIXODIAGNOSTIKASI	221-224
50. <i>N. A. Mirzoodilova, &amp; Z. F. Umarova, &amp; T. R. Bekmirov</i> . KARDIORENAL SINDROM VA SURUNKALI BUYRAK KASALLIGI: PSIXODIAGNOSTIKA ORQALI BEMORLARNING RUHIY HOLATI VA HAYOT FAOLIYATINI TAHLIL QILISH	225-229
51. <i>N. M. Panabayeva</i> . SURUNKALI YETISHMOVCHILIGI BILAN KASALLANGAN BEMORLARDA PSIXOKORREKSIYANING SAMARADORLIGI	230-234
52. <i>D.Sh.Qo'chkarova</i> . GESHTALT-TERAPIYA VA UNING ZAMONAVIY PSIXOTERAPEVTIK AMALIYOTDA QO'LLANILISH ASPEKTLARI	235-239
53. <i>D.Sh.Rahmonov</i> EMOTSIONAL-IRODAVIY BUZILISHLARI BO'LGAN BEMORLARNI NEYROPSIXOLOGIK O'RGANISH	240-243
54. <i>G.O'.Raxmataliyeva</i> MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARNI AXLOQIY JIHATDAN TARBIYALASHDA PSIXODIAGNOSTIK METODLARNING AHAMIYATI	244-248
55. <i>N.M.Sattarova &amp; T. Rashidovich Bekmirov</i> LOGONEVROZNI DAVOLASHDA PSIXOTEROPEVTIK TA'SIRNING AHAMIYATI	249-253
56. <i>D. B. Shodmonqulova</i> JARROHLIK AMALIYOTIDAN KEYINGI PSIXOLOGIK MUAMMOLAR VA ULARNI BARTARAF ETISH USULLARI	254-256
57. <i>Ш. Шорустамов</i> ВЛИЯНИЕ ХИРУРГИЧЕСКОГО ЛЕЧЕНИЯ АСЕПТИЧЕСКОГО НЕКРОЗА ГОЛОВКИ БЕДРА НА ПСИХОЭМОЦИОНАЛЬНОЕ СОСТОЯНИЕ ДЕТЕЙ И ИХ СЕМЕЙ	257-260
58. <i>Shubham Kumar Mishra</i> THE ROLE OF PSYCHOLOGICAL COUNSELING IN ENHANCING MEDICATION ADHERENCE IN PATIENTS	261-264
59. <i>Sh.I.To'rayev, &amp; Z.S.Elov</i> SUDGA OID PSIXOLOGIK EKSPERTIZASINING RIVOJLANISH JARAYONI VA TARIXI	265-269
60. <i>M. H. Тоймухамедов</i> ГИПЕРАКТИВНОСТЬ У ДЕТЕЙ	270-273
61. <i>Z.T.Tuyturadova</i> SUITSID – GLOBALASHUV JARAYONIDA SHAXSDAGI SALBIY IJTIMOIIY PSIXOLOGIK MUAAMO SIFATIDA	274-278
62. <i>Ж. Л. Убайдуллаев, &amp; О. С. Эргашев</i> ЎТКИР ЛЕЙКОЗ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БОЛАЛАРНИНГ PSIXOLOGIK ХОЛАТИНИ ЎРГАНИШ	279-283
63. <i>Z. D.Umarkulova</i> TALABALARDA PSIXIK SALOMATLIKNING O'ZIGA XOSLIGI	284-288
64. <i>X.E.Usmonova</i> EKSTRAKORPORAL URUG'LANISH ORQALI TUG'ILGAN BOLALAR SALOMATLIGINING PSIXOLOGIK RIVOJLANISHIGA TA'SIRI	289-293
65. <i>O.B.Usobjanov</i> AGE-RELATED CHANGES IN BRONCHIAL FAT CELL MORPHOLOGY AND A GLOBAL OVERVIEW OF PEDIATRIC BRONCHIECTASIS	294-298
66. <i>M.B.Valiyeva</i> BIRIKTIRUVCHI TO'QIMA DISPLAZIYASI BILAN OG'RIGAN	299-301